

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.FiL.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУРАТОВ ИКРОМ ОҚМАНОВИЧ

ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD)диссертация автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертация доктора философия (PhD)
Contents of abstracts of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Холмуратов Икром Окмонович

Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний
тадқиқи..... 5

Холмуратов Икром Окмонович

Лингвистическое исследование ойконимов Южного
Каракалпакстана 21

Kholmuratov Ikrom Okmonovich

Linguistic Study of Oikonyms of Southern Karakalpakstan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.FiL.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛМУРАТОВ ИКРОМ ОҚМАНОВИЧ

ЖАНУБИЙ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
ЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ

10.00.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/ Fil505 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.buxdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи: **Эназаров Толиб Джуманазарович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар: **Атоулло Раҳматович Аҳмедов**
филология фанлари номзоди, доцент

Хўжамурод Жабборов
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Урганч давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги **PhD.03/27.02.2020.Fil.72.09** рақамли Илмий кенгашнинг 20 йил «20 октябрь» соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (369 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14).

Диссертация автореферати 20 йил «8» октябрь да тарқатилди.
(20 йил «7» октябрь даги рақамли реестр баённомаси).



М. К. Абузалова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори (DSc)

Г. И. Тоирова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.ф.д.(PhD)

Д. З. Ражабов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида предмет-ходиса, нарса-буюмнинг мавжудлик ифодаси, тил ва нутқда яшаш омили сифатида муҳим номинатив, коммуникатив ва услубий вазифаларни бажарадиган ономастик бирликлар тадқиқига ҳамиша эътибор қаратиб келинган. Шу нуқтаи назардан ономастика тилшуносликнинг муҳим йўналиши сифатида ривожланиб бормоқда. Бугунги глобаллашув ва жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, маданий ўзгаришлар бу соҳанинг замонавий илмий-назарий ва амалий йўналишларини белгилашни, махсус тўпланмаган, кам ўрганилган ономастик бирликларни муайян ҳудуд нуқтаи назаридан текширишни кун тартибига қўймоқда.

Дунё тилшунослигида қишлоқ, маҳалла, овул, гузар, шаҳарча ва шаҳар номларини билдирувчи, муайян миллатнинг анъаналари, турмуш тарзи, маънавий мероси, маданий бойликлари ва миллий қадриятлари тўғрисида маълумот берадиган топонимлар гуруҳига мансуб бўлган гидроним, ороним, хороним, урбаноним кабилар ономастиканинг тури сифатида маълум даражада тадқиқ этилган. Халқнинг лисоний, тарихий ҳамда географик қарашлари мужассамлашган топонимларнинг бир тури – туман ва қишлоқ номларини билдирувчи ойконимларнинг яхлит лингвистик тизим сифатида ономастик-грамматик тадқиқини амалга ошириш, лексик-семантик хусусиятларини, этимологик келиб чиқишини очиб бериш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлар, жумладан, ўзбек тилининг ижтимоий-сиёсий мавқеини юксалтириш, давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар тилшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлмоқда. Истиклол йилларида номшунослик, хусусан, топонимика соҳасига жиддий эътибор берилди, мустақил давлатнинг топонимик сиёсати ишлаб чиқилиб ҳаётга жорий этилди. Айни вақтгача туман, вилоят ва республика доирасида Топонимик комиссиялар ва марказлаштирилган топонимик хизмат ташкил этилиб, жой номларини сақлаш, ўзгартириш ҳамда илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш каби жараёнларни ўзида қамраб олган махсус қонунлар қабул қилинди¹. Ҳозирги кунда ўзбек ономастикасининг топонимика, этнонимика, антропонимика йўналишлари, шунингдек, ономастик луғатшунослик йўналишларида тадқиқот ишлари олиб борилган. Бироқ ўзбек тилшунослигида халқ тарихи, қадрияти, анъана ва урф-одатларини ўзида тўлиқ ифодаловчи лисоний бирликлар – ойконимлар муайян ҳудуд мисолида лингвистик тадқиқ этилмаган. Зеро, «Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодларга

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни. –Тошкент, 1995 йил 21 декабрь, 167-И-сон. <https://www.lex.uz/acts/121051>; Ўзбекистон Республикасининг «Географик объектларнинг номлари тўғриси»даги Қонуни. –Тошкент, 2011 йил 12 октябрь, ЎРҚ-303-сон. <https://lex.uz/docs/1881472>.

колдириш, давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири»² экан, қадимдан шаклланган, халқимизнинг онгу шуурига сингиб кетган, ғор ва капаларда яшаган одамлар билан бирга бугунги қишлоқ, маҳалла, овул, гузар, шаҳарча ва шаҳар даражасидаги ривожланиш йўлини босиб ўтган Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лексик-семантик, ономастик-грамматик хусусиятларини, келиб чиқиш асосларини, топонимика тизимидаги ўрнини лингвогеографик аспектда ўрганиш долзарб вазифалар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигининг 30 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги 2019 йил 4 октябрдаги Қарори, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоғистондаги ойконимлар, уларнинг номланиши ҳамда номланиш меъёрлари ҳақида тарихий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий манбаларда ўша давр мафкурасидан келиб чиққан ҳолда шарҳ, талқин мазмунидаги бир қанча қайдлар XX асргача ҳам мавжуд³. XX-XXI асрлар матбуотида эса уларнинг энциклопедик ва изоҳли таҳлиллари тўғрисида ҳам қисқа маълумотлар учрайди. Бугунгача ўрганилаётган ҳудуд ойконимлари лингвистик, географик ва тарихий йўналишларда умумий, энциклопедик, тавсифий, таъбирли ҳамда изоҳли таҳлиллар тарзида ўрганилган⁴. Мана шу илмий изланиш асосида шаклланган йўналишлар таъсирида мамлакатимизнинг бир қанча

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 29

³ Жалилов О. XIX-XX аср бошларида қорақалпоқлар тарихидан. – Тошкент: Фан, 1986. – Б.3-144 .

⁴ Эназаров Т. Ж. Жой номларининг мукамал таснифи этимологик таҳлил асосидир// “Геодезия, картография ва кадастр” журнали. –Тошкент, 2000, №3 –Б. 12-16.

худудларидаги топонимлар маълум даражада тадқиқ этилган бўлса-да, уларнинг этимологик таҳлиliga етарлича муносабат билдирилмаган⁵.

А.Муҳаммаджонов топонимларнинг илмий тавсифи ва этимологик таҳлилининг тарихий жиҳатларини, Э.Бегматов ўзбек антропонимлари ҳамда топонимикасининг назарий масалаларини, Т.Нафасов Қашқадарё вилояти топонимларини, Х.Холмўминов Сурхондарё вилояти топонимларини, Ж.Латипов Марғилон шаҳри жой номларини, Ш.Қодирова Тошкент микропонимларини тадқиқ қилган⁶.

Қ.Шониёзов, А.Искандаров, Я.Қўчқоров, А.Ортиқбоевларнинг мавзу доирасида эълон қилган мақолалари публицистик мазмун касб этган бўлса, С.Қораев, Қ.А.Абдумуротов, З.Дўсимов, Т.Эназаров, Ё.Хўжамбердиев, Л.Каримова, С.Найимов, Т.Раҳматов, Б.Ўринбоев, А.Отажоноваларнинг тадқиқотларида турли худудлардаги топоним, этнопонимларнинг изоҳли ва тарихий-этимологик хусусиятлари таҳлил қилинган⁷.

Амударё, Бегуний, Эллиққалъа, Тўртқўл туманлари худудида жойлашган ЖК ойконимлари баъзи бир илмий ва илмий-оммабоп мақолаларда у ёки бу даражада ўрганилган⁸ бўлиб, махсус монографик нуқтаи назардан илмий тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг «Ўзбек тилининг долзарб масалалари» номли илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг келиб чиқиши ва номланиш сабабларини очиқ бериш, ономастик-грамматик ва лексик-семантик хусусиятларини топонимик таҳлил назарияси ҳамда стратегиясига кўра тавсифлаш ва таснифлашдан иборат.

⁵Кайдаров А. Т. Тюркская этимология: проблемы и задачи // Проблемы этимологии тюркских языков. – Алма-Ата: Гылым, 1990. – С. 5-25.; Проблемы этимологии тюркских языков. – Алма-Ата: Гылым, 1990. – 400 с.

⁶Муҳаммаджонов А. Жой номлари – тарихий манбадир // Илмий-амалий конференция докладлари тезислари. – Тошкент, 1994. – Б.15-17.; Бегматов Э. Истиклол ўлкасининг топонимик сиёсати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. 3-сон. – Б.3-9.; Нафасов Т. Қашқадарё область топонимлари. Фил.фан.ном. дис... – Тошкент, 1968. – 301 б.; Кадырова Ш. М. Микропонимы Ташкента. Автореферат канд.диссер. – Ташкент, 1970. – 28 с.; Латипов Ж. Марғилон шаҳри ва унинг атрофи топонимияси. Фил.фан.ном. дис... – Тошкент, 1975. – 219 б.; Холмўминов Х. Бойсун район микропонимларининг лексик-семантик хусусиятлари // Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари. Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 1988. – Б. 73-75.;

⁷Отажонова А. Хоразм этнопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997.– Б. 94-111.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент, Фан, 1985. – 104 б.; Абдумуратов К. А. Почему так названо? – Нукус, 1970. – 129 с.; Қораев С. Ўзбекистон вилояти топонимлари. – Тошкент: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» Давлат илмий нашриёти, 2005. – 239 б.; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.; Найимов С. Н. Ойконимы Бухарской области. Автореферат канд.диссер. – Ташкент, 1984. – Б.20.; Раҳматов Т. Этимология топонима Самарканд // Советская тюркология. – Баку, 1973. 4-сон. – С.43-50.; Ўринбоев Б. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 1992. –53 б.; Ўринбоев Б. Самарканд вилояти топонимларининг изоҳи. – Самарканд, 1997. – 202 б.; Отажонова А. Хоразм этнопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997.–Б.94-111.

Тадқиқотнинг вазифалари. Юқорида қайд этилган мақсад диссертацияда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

ЖҚ ойконимларининг ономастик-морфологик таркибини ономастикадаги ойконимик асос, формант ва аниқлагич деб аталадиган термин ҳамда тушунчалар асосида тадқиқ этиш;

ЖҚ ойконимларининг ономастик-морфологик ва ойконимик колипланишига оид хусусиятларини содда, қўшма, бирикмали турлар бўйича таснифлаш;

ЖҚ аҳоли пунктларининг номларини ономастик лексика сатҳи меъёрларига асосланган ҳолда лексик-семантик жиҳатдан таҳлил этиш;

ЖҚ ойконимларининг келиб чиқиш ва номланиш хусусиятларини ўрганиш, объект номига кўра типларини аниқлаш;

ЖҚ ойконимларини, асосан, синхрон, қисман диахрон аспектда ўрганиш, содда, қўшма ва бирикмали шакллар тизимида уларнинг этимологик таҳлилин амалга ошириш;

мамлакатимиз ойконимларининг умумийлиги ҳамда хусусийлигини ЖҚ ойконим материаллари асосида далиллаш ва фарқли ҳолатларини тўпланган ойконимик мисоллар воситасида асослаш.

Тадқиқотнинг объекти. Мазкур илмий ишнинг тадқиқот объекти ЖҚдаги ойконимлар мажмуи саналади.

Тадқиқотнинг предметини эса мазкур ҳудуд жой номларининг ономастик-грамматик, лексик-семантик, этимологик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда лингвогеографик, сўров ва таққослаш, таҳлил ва умумлаштириш, харитаграфик, номинатив-ономасиологик, тарихий-қиёсий, математик статистика ва функционал-семантик каби метод ва усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар:

Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларининг лисоний, ономастик-грамматик, ономастик-морфологик ва ономастик-синтактик каби лингвистик табиати очиб берилган;

ўзбек тили ойконимларининг Жанубий Қорақалпоғистон ойконимиясига доир умумийлик, хусусийлик ва ўзаро алоқадорлик жиҳатлари мисоллар асосида далилланган;

Жанубий Қорақалпоғистон жой номлари топонимик таҳлил назариясига кўра объект типлари аниқланган;

ўзбек тили ономастикасининг ҳозирги тизимга лингвоономастик муносабати назарий жиҳатдан асослаб берилган;

Жанубий Қорақалпоғистон жой номлари: этимологияси, луғавий маъноси, ясалиши каби грамматик моделларининг ҳозирги ўзбек тили ономастикасига амалий ва назарий муносабати аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ЖҚ ойконимияси материалларида ономастик-грамматик, лексик-семантик ва этимологик хусусиятларини ўзида жамлаган лингвоономастик хусусиятлар далилланган;

ўрганилаётган ҳудуд ойконимларига оид янги мисолларнинг таҳлилидан келиб чиқадиган илмий хулосалар ўзбек номшунослигининг назарий ва амалий асослари ҳамда таҳлил усуллари зарур илмий ва амалий аҳамиятга молик далиллар билан бойитиши асосланган;

ЖҚ ойконимлари тадқиқи натижалари ономастика бўйича изоҳли, имло луғатлари яратилишида материал ва манба сифатида хизмат қилиши аниқланган;

ойконимларни тартибга солиш юзасидан илмий ва амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг ишончли илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар лингвогеографик, сўров ва таққослаш, таҳлил ва синтез, харитаграфик, номинатив-ономосиологик, тарихий-қиёсий, математик статистика ва функционал-семантик методлар воситасида асосланганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий нашриётларда чоп этилган мақолаларда келтирилган назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Ўзбек ономастикаси», «Ўзбек диалектологияси», «Ҳозирги ўзбек тили» фанларига алоқадор муаммоларни тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан «Ўзбекистон ойконимларининг изоҳли луғати», «Ўзбекистон ойконимларининг энциклопедик луғати» ва «Ўзбекистон ойконимларининг этимологик луғати»ни яратиш, тарихий ойконимик номлар билан алмаштирилиши асосида улардан оммавий, маданий-маърифий тадбирларда ёшларимизни она-Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида таълим-тарбия беришда самарали фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларини лисоний тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

дунё тилларида тил бирликларининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш, Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларини лисоний, ономастик-грамматик, ономастик-морфологик, ономастик-синтактик ҳамда лексик-семантик жиҳатдан ўрганиш каби масалалар тадқиқида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-ХТ-0-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётида тутган ўрни» мавзусидаги давлат амалий-тадқиқот дастурлари доирасидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 27 майдаги 89-03-1777-сон маълумотномаси). Илмий натижалар асосида ойконимларнинг ономастикадаги ойконимик асос, ойконимик формант ва ойконимик аниқлагичлари назарий жиҳатдан исботланган;

Жанубий Қорақалпоғистоннинг тарихий жойлари, уларнинг номланиш сабаблари каби илмий-назарий тавсиялардан Бердақ жамғармаси томонидан 2018 йил 20-26 ноябрь кунлари ташкил этилган «Бердақ давридаги таълим масканлари ва жой номлари» мавзусидаги экспедиция натижаларида фойдаланган. (Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазирлигининг 2019 йил 8 октябрдаги 2-04/1987-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Қорақалпоғистон жой номлари топонимик таҳлил назарияси ва стратегияси ўрганилиб, уларни аташ асосларига кўра типларини аниқлашга хизмат қилган;

Жанубий Қорақалпоғистон жой номларининг ясалиши, грамматик тузилиш моделлари, этимологияси ҳамда луғавий маъносини очиб берувчи, ҳозирги ўзбек тили ономастикаси тизимига муносабати ва ундаги ўрнини кўрсатиб берувчи материаллардан 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси муҳарририяти томонидан тайёрланган «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Адабий портрет», «Ёшлар учун», «Мерос», «Ассалом, Қорақалпоғистон», «Тарихий шахслар», «Халқ дурдонасидан» номли кўрсатувларда сценарийлар тузишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2019 йил 10 октябрдаги 01-02/408-сон маълумотномаси). Натижада тингловчилар учун тайёрланган материаллар мазмуни сайқалланиши ва бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган жами 31 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 10 та республика ҳамда 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 124 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Жанубий Қорақалпоғистондаги ойконимларнинг ономастик-грамматик хусусиятлари» номли биринчи бобда қуйидаги учта масалага диққат қаратилган: 1) ойконим, «Ономастика» ва унга хос терминлар мавзу доирасида шарҳланган; 2) ўрганилаётган ҳудуд ойконимларининг ономастик-морфологик хусусиятлари илмий манба ва далиллар воситасида таҳлилга тортилган; 3) тадқиқ этилаётган ҳудуд ойконимларининг ономастик-синтактик хусусиятлари илмий манбалар асосида ўрганилган.

Ойконимларнинг шаклланиши, номланиши ва қайта номланиши ҳамда тарихий тараққиётини билмасдан туриб, уларга тегишли хусусиятларнинг тадқиқи қутилган натижаларни бермайди. Э.М.Мурзаев⁹, Т.Нафасов¹⁰, П.Фуломов¹¹ кабилар ўз тадқиқотларида *индикатор* терминини махсус ўрганиб, унинг моҳият-мазмунини очиб берган. Ўрганилаётган ҳудудда қуйидаги ойконимик индикаторлар учради: *овул, овул фуқаролар кенгаши, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, даҳа, дашт, чўл* ва бошқалар.

Кўча номлари икки хил: 1) аҳоли яшайдиган жойлардаги кўчалар номи; 2) аҳоли яшамайдиган жойлардаги кўчалар номи. Кишилардан бирининг манзилини аниқлаш учун ойконимни топиш камлик қилади. Улар таркибидаги *кўча, массив, гузар, маҳалла* кабилардан бири айтилса, қидирилаётган манзил аниқлашади. Тадқиқотда кўча топонимик birlikнинг ойконимик тизимда маълум маънода ойконимик хусусиятларни ҳам акс эттириши илк марта махсус ўрганилди. Шаҳар ва шаҳарча, қишлоқ ёки овул таркибидаги маҳалла кабилар алоҳида ойконимик ҳудудларга мисол сифатида Наршахийнинг «Тарихи Бухоро»¹² номли тарихий асаридагиларни айтиб ўтиш мумкин¹³.

ЖҚдаги ойконимлар таҳлилида дастлаб уларнинг ономастик-морфологик ва ономастик-синтактик хусусиятлари илмий ҳамда амалий жиҳатлардан талқин этилиши керак. Лингвистик ёндашувдан фаркланадиган ономастик ёндашув ХХ асрнинг 50-90-йилларигача озроқ учраса, ХХІ асрдан бошлаб эса апеллятив лексика ва ономастик лексика бир-биридан фарқланган. Бу ҳолат Э.Бегматов ва Н.Улуқовларнинг «Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати»¹⁴ ва Т.Эназаровнинг докторлик диссертациясида аниқ кўринади¹⁵. Бугунги кунда «Ономастика» ва «Ўзбек ономастикаси» соҳалари илмий тадқиқот ишларини олиб боришда катта ютуқларга эришди. ХХ асрнинг 60-90 йилларидаги ономастикага оид тадқиқотлар ушбу соҳага кириб боришнинг бир усули бўлган бўлса, бугунги кундаги тадқиқотлар, хусусан, мазкур илмий иш ҳам шундай тадқиқотлардаги топонимик таҳлил стратегиясининг мазмун ҳамда моҳиятини ўзида мужассам қила оладиган илмий ишлар мажмуи саналади.

⁹ Мурзаев Э. М. Очерки топонимики. –Москва: Мысль, 1974. –С.21–22.

¹⁰ Нафасов Т. Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1988. –Б. 287.

¹¹ Фуломов П. Н. Топонимика ва географик атамашунослик. –Тошкент, 2000. –Б. 4.

¹² Наршахий. Бухоро тарихи // Мерос. –Тошкент: Камалак, 1991. –Б. 82–174.

¹³ Мухаммаджонов А. Населенные пункты Бухарский эмирата. –Ташкент: Фан, 2008. –С.3–180.

¹⁴ Бегматов Э., Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. –Наманган, 2006. –103 б.

¹⁵ Эназаров Т. Ж.. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари. фил. фан. док. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссер. авто. –Тошкент, 2006. –Б. 3–15.

Ойконимларнинг ономастик-морфологик таҳлилида ойконимларнинг топоасос, топоформант, ономастик индикатор ва уларнинг тузилиши каби жиҳатларига эътибор берилди. Шунга кўра номланиш; номланиш жараёнларининг нисбийлиги, табиийлиги ва сунъийлиги; топоойконимик таркибнинг жойлашув кўлами; сўздаги лексик маънолар билан ойконимдаги топонимик маънонинг фарқланиши; топонимик қолипланиш ҳамда топонимлашув қонуниятлари асосида ЖК ойконимлари топоморфологик таҳлил тамойиллари бўйича қуйидаги қисмларга бўлиб ўрганилди:

1.2.1. Ойконимик асосдан ташкил топган ойконимлар. Уларда ойконимик формант бордай кўринади, аслида бу ойконимик формант (ўз сўзига *-бек* қўшимчаси қўшилса ҳам ном сифатида шаклланмаган) унга қўшимча сифатида қўшилиб, *ўзбек* сўзини шакллантирган. У номга айлангач, ономастик лексикадаги ном ясашда ойконимик формантлик вазифасини бажарган. *Ўзбекистон* (Элликқалъа т. Бўстон ш. кўчаси, туман, давлат; этнотопоним): *ўзбек* > *ўзбек* > *ўзбек* + *-истон* > *ўзбекистон* > *Ўзбекистон* микроойконими юзага келган. *Ўзбек* ойконимик асосига ономастик лексика сатҳидаги этнонимлашув ва топонимлашув туфайли *-истон* ойконимик форманти қўшилгач, у ойконимга айланган.

1.2.2. Ойконимик асос ва ойконимик индикатордан ташкил топган ойконимлар. Уларга мисол: *Қилчиноқ* (Элликқалъа т. Қилчиноқ овули кенгашидаги овул) – ойконими апеллятив лексикадаги *қил* ва *чиноқ* апеллятивларининг танланиб, ономастик лексика сатҳига ўтган ва топонимлашув натижасида топонимга айланган: *қил+чиноқ овул* > *Қил чиноқ* > *Қилчиноқ (овул)*. Ушбу ном жуда оз ишлатилгани учун у Қорақалпоғистон Республикасида овул индикатори воситасидаги номланишнинг иккинчи бир турига, яъни овул – ойконимик индикаторини қўлламадан ёхуд оз қўлланишидан шаклланган.

1.2.3. Иккиламчи ойконимик индикатор, ойконимик асос ва ойконимик индикатордан ташкил топган ойконимлар. Индикаторлар ойконимик асосдан кейин қўлланади, шу сабабли ҳам улар асосий индикатор ёки бирламчи ономастик индикаторлар ҳисобланади. Масалан, *араб* + *овул* > *Араб овул* > *Арабовул*. Топоасосдан олдин қўлланадиган сифат туркумига оид сўзлар иккиламчи индикатордир. Улар топоасос+топоформант шаклидаги топонимик таркиби иккиламчи ойконимик индикатор, ойконимик асос ва ойконимик индикаторлар ҳолатидаги ономастик қолипланишда юзага келган. Масалан, *Тоза Кулатау* (Тўрткўл т. Отауба овули кенгашидаги овул) ойконимида *тоза* сўзи апеллятив лексикадан ономастик лексика сатҳига ўтиб, топоасос ва топоиндикатордан олдин келган, яъни иккиламчи топоиндикатор - ойконимик индикатор вазифасини бажарган: *тоза* > *тоза* + *кула+тау* > *тоза+кулатау* > *Тоза Кулатау* > *Тоза Кулатау (овули)*. Унинг маъноси “*Кулатогининг маркази ёки ўзагида жойлашган овул*” дир. *Тоза Мешиклиовули* (Тўрткўл т. Отауба овули кенгашидаги овул) – бунда *тоза* – иккиламчи индикатор; *мешик+ли* бирикиб, *мешикли* сўзини ҳосил қилган.

1.2.4. Ойконимик асос, ойконимик индикатор ва ойконимик формантлардан¹⁶ ташкил топган ойконимлар. Уларнинг қолипаниш тизимида ойконимик асос икки хил ҳолатда учрайди: 1) бир асосли топоасос: *Отов, боғ*; 2) икки асосли ойконимик асос: *Тўртдевол, Чорбоғ*. Мисол: *Отов* (Ўтов) овули (Амир Темур овули фуқаролар кенгашидаги овул) – ойконимида *отов* – топоасос, *овул* – ойконимик индикатор, *-и* эса топоформант ҳисобланади.

1.1.5. Ойконимик асос, бирламчи ойконимик формант, индикатор ва иккиламчи ойконимик формантлардан ташкил топган ойконимлар. Уларнинг таркиби ойконимик асос, бирламчи ойконимик формант, ойконимик индикатор ва иккиламчи ойконимик формант кўринишида ономастик қолипаниш хусусиятига эга. Масалан, **Яримчи овули** (Бўзёп (Бузёп) ОФКдаги овул) – ярим – топоасос, *-чи* бирламчи ойконимик формант, овул – индикатор, *-и* эса иккиламчи ойконимик формант. Сабаби, яримчи сўзи апелатив лексика сатҳида қўлланганда *камлик, ярим, нисбатан оз* деган маъноларда ишлатилса, шу сўз ономастик лексика сатҳига ўтиб, унинг ойконимик асоси вазифасини бажариб, топонимлашув ҳодисасига киришган. Бу жараёнда унга ойконимик индикатор ҳам қўшилади: *ярим* > *ярим+чи* > *яримчи + овул+и* > *яримчи овули* > **Яримчи овули**. Уларга мисоллар: **Кепакли туба овули** (Беруний т. овул, ороним): *кепак+ли* > *туба* > *овули+и*; **Бунёдкор овули** (Тўрткўл т. Ёнбошқалъа ОФКдаги овул), **Хирли овули** (Беруний т. овул, этнотопоним); **Янгибод қишлоғи** (Тўрткўл т. жамоа хўжалиғи), **Чоллар овули** (Беруний т. овул, соцтопоним).

Бобнинг иккинчи қисми «Ойконимларнинг ономастик-синтактик хусусиятлари» деб аталган. ЖҚО тузилиш хусусиятларига кўра содда, кўшма ва бирикмали турларга гуруҳлаб ўрганилди. Улар ономастик-морфологик ва ономастик-синтактик хусусиятларига кўра учта қисмга бўлинди: 1) содда ойконимлар; 2) кўшма ойконимлар; 3) бирикмали ойконимлар.

1.2.1. Содда ойконимлар ЖҚ ойконимиясида икки хил: 1) битта топоасосдан шаклланган ойконимлар; 2) топоасосга топоформант қўшилишидан шаклланган ясама ойконимлар. Ясама ва кўшма ойконимларга нисбатан туб ойконимлар ҳосил бўлиши жиҳатидан бирламчи. ЖҚдаги бу каби ойконимлар ҳудуд шеvasи ва қорақалпоқ тили билан қиёсан ўрганилди. Содда жой номлари географик атама; киши исми, лақаби; этноним; ҳайвон ва ўсимлик номларидан вужудга келган: *Кунча* (Элликқалъа т. Қирққиз ж/х), *Кушай* (Тўрткўл т. Отауба ОФКО), *Мискин* (Тўрткўл т. Оққамиш ОФКО), *Нисан* (Элликқалъа т. Қизилқум ОФКО) ва бошқалар.

ЖҚ топонимиясидаги ойконимларни ясовчи топоформантларнинг, яъни ономастик-грамматик сатҳидаги ойконим ясовчи топоформантлар: *-бе* (Беватан), *-лар* (Палоқлар), *-ли* (Хирли), *-лик* (Идирлик), *-лиқ*, *-чи* (Айючи, Кўкчи), *-лоқ* (Қумлоқ), *-лов*, *-ча* (Кўкча, Чақча), *-ғир*, *-ма*, *-ғай*, *-истон* (Гулистон), *-ик* (Куйик кўприк), *-қай*, *-ай*, *-а* (Тома), *-ақ* (Авазақ бобо) - *той*, -

¹⁶ Qorayev S. Toponimika. –Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2006. –Б. 31–36.

тай, -мон, -мас, -ан, -зор (Тутзор), *-хўр* (Майхўр), *-обод* (Амиробод), *-хона, -кат, -қат, -ён, -чи* (Жарчи, Саватчи) ва ҳоказо.

1.2.2. Қўшма ойконимлар икки ёки ундан ортиқ топоасос (ўзак)ларнинг бирикишидан тузилган. Улар иккита топоасоснинг қўшиб ёзилиб, битта асосий урғу билан айтилади: Оқдигир (Тўрткўл т. Отауба ОФКО), Дошқалъа (Элликқалъа т. Тозабоб ОФКО), Оққамиш (Тўрткўл т. Оққамиш ОФКО), Кошқўра // Қўшқўра (Элликқалъа т. Сарабий ОФКО) ва бошқалар.

1.2.3. Бирикмали ойконимлар мазкур ҳудуд ойконимлари тизимида салмоқли микдорни ташкил қилади. Уларда қуйидаги ойконимик индикаторлар қўлланган: *овул, тоғ, боб, қалъа, туба, бўз, қози, қабристон* ва бошқалар. Мисоллар: Қорақипчоқ овули (Амударё т. Чойкўл овул кенгашидаги жамоа хўжалиги), Қорамон кичик овули (Амударё т. Чойкўловул кенгашидаги ж/х).

Диссертациянинг иккинчи боби «**Жанубий Қорақалпоғистондаги ойконимларнинг лексик-семантик таснифи**» деб номланган. Номлар ономастика лексика сўзлиги сифатида лексик маънодан фарқ қиладиган топонимик маънога эгаллиги билан ажралиб туради. Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларини (кейинги ўринларда: ЖҚО) қандай характер ва қайси турдаги объектларнинг номларидан ташкил топганлигига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) табиий географик объектларнинг номлари билан шаклланган ойконимлар; 2) сиёсий-маъмурий объектларнинг номлари асосида номланган ойконимлар. Бу таснифланиш унинг индивидуал ва маданий манзарасини¹⁷ ифодалайди. Т.Эназаров топонимиядаги лексик-семантик гуруҳларни асослай олган¹⁸.

Иккинчи бобнинг биринчи қисми “Ойконимларнинг қандай ва қайси типдаги топонимик объектларнинг номлари эканлигига кўра таснифи” деб аталган ҳамда уларнинг таснифи қуйидаги кўринишда амалга оширилди: 1) маҳалла номи; 2) гузар номи; 3) кўча номи; 4) фуқаролар йиғини ёки овул кенгаши номи; 5) босу (*Тозабосу, Кўҳнабосу* – бу ерда босу сўзи овул сўзининг синоними, аммо у алоҳида топообъект саналади) номи; 6) қалъа номи; 7) жамоа хўжалиги номи; 8) гидроним; 9) кўрғон номи; 10) овул ва қишлоқ номи; 11) туман номи; 12) вилоят номи; 13) шаҳар номи; 14) шаҳарча(лар) номи мисоллар билан диссертацияда ёритилди.

Қадимий халқлар тилларига оид бўлган номлар ороним ва гидронимларга нисбатан ойконимларда кўпроқ даражада сақланиб қолган¹⁹. Қишлоқ, овул, посёлка, маҳалла, кўчалар яқин ҳудуддаги ороним ва гидротопонимлар билан аталгани учун бир типдаги атоқли отлар иккинчи типдаги объектларга ном бўлиб ўтади, яъни ном кўчиш рўй берган. Бу ҳодиса ЖҚ ойконимияси ва Ўзбекистон топонимияси учун илмий-назарий ва илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятли. Мисоллар: Туямўйин(Тўрткўл т. Отауба ОФКО), Араб овули (Элликқалъа т. Қилчиноқ ОФКО), Бийбозор (Беруний т.

¹⁷ Шмелева Т. В. Ономастика. Учебное пособие.–Славянске–на–Кубани, 2013. – С.74.

¹⁸ Эназаров Т. Ўзбекистон топонимикаси номи махсус курсни ўқитиш методикаси. –Тошкент, 1999.–Б.26.

¹⁹ Никонов В. А. Введение в топонимику. –Москва: Наука, 1965. –С. 43–46.; Суперанская А. В. Структура имени собственного. Фонология и морфология. –Москва: Наука, 1969. – С. 63–64.

овул); б) овул сингари аҳоли пунктларининг номлари, уларнинг номланиши жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти, турмуш даражаси, хўжалик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Уларнинг тизимида ҳам тарихий-социал ўзгаришлар туфайли турли ўзгаришлар рўй берган. Бунга асос сифатида Э.Бегматовнинг «Мустақиллик давридаги топонимик сиёсат» ҳамда «Жой номлари – маънавият кўзгуси» номли мақола ва китобларини кўрсатиш мумкин²⁰.

Ушбу бобнинг иккинчи қисми «Ойконимларнинг келиб чиқиши ва номланиш тамойилларига кўра таснифи» деб номланган. Улар умумий планда ҳамда алоҳида ҳудуд доирасида тадқиқ этилган²¹. Бу ҳудуд ойконимларининг келиб чиқиши ва номланиш хусусиятларига кўра таснифини қуйидаги тарзда бўлиш ўринли: 1) этноойконим; 2) антроойконим; 3) фитоойконим; 4) соцоойконим; 5) кўчма ойконим; 6) геоойконим; 7) профессионализмлар асосида юзага келган ойконим; 8) муқаддаслаштирилган ойконим; 10) зооойконим; 11) объектларнинг сон белгисига кўра яратилган топоойконим; 12) неоойконим(лар).

Диссертациянинг учинчи боби «**Жанубий Қорақалпоғистон ойконимларидан айримларининг этимологик таҳлили**» деб аталган. Бобнинг аввалида этимология тўғрисида фикр юритилди²², сўнгра ойконимик этимология тўғрисида фикр ифодалангач, бобдаги асосий масала бўлган содда, кўшма ва бирикмали ойконимлар этимологик таҳлил этилди.

Мазкур бобнинг биринчи қисми «Содда ойконимлардан баъзи бирларининг этимологик таҳлили» деб аталган. *Қўнғирот* этноойконимининг этимологияси ҳақида турли фикрлар бор. 1. Бу сўзнинг *қўнғир от* шакли апеллятив лексикага хос шакли бўлса, унинг *қўнғир+ат* шаклида ясалиши ва ундан *қўнғирот* ҳолатидаги янги ясалманинг номланиш жараёнида ном сифатида қўлланиши эса ономастик лексикага хос хусусиятлардан бири. Апеллятив лексика сатҳидаги *қўнғир от* сўзи билан ономастик лексика сатҳидаги *қўнғирот* номи этноним, ойконимларнинг номи бўлиши мумкин.

2. Халқона этимология бўйича баъзилар уни қўнғир рангли отга боғлашади. Халқ вакиллари эса кул ранг ҳолатидаги ранг номи бўлган *қўнғир* лексемасига дахлдор деб ҳисоблашган. Агар Бойсун-Қўнғирот атрофидаги ернинг тузилишига эътибор қилинса ҳам кул ранглилик ҳолати бор. Қўнғиротлар кийинишида ўзбеклардан фарқли кийинганлари каби сўзлашувда ҳам палатал сингармонизм хусусиятларини сақлаб гапиришади.

²⁰ Бегматов Э. Истиқлол ўлкасининг топонимик сиёсати // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1997. 3–сон. – Б. 3–9.; Бегматов Э. Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Фан, 1997. 4–сон. Б. 7–9.; Бегматов Э. Жой номлари – маънавият кўзгуси. –Тошкент: Маънавият, 1998. –64 б.

²¹ Қаранг: Караев С. Ойконимия Узбекистана. Диссертация на соискание ученой степени доктора географических наук в форме научного доклада. –Ташкент, 1998.–50 с.; Охунов Н. Фарғона водийси этноойконимлари // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2000. 1–сон.–Б. 20–23.; Ўринбоев Б. Самарқанд вилояти топонимларининг изоҳи. –Самарқанд: Зарафшон, 1997. –202 б.

²² Enazarov T. J., Yesemuratov A.Y., Jumanazarov J.T., Y.T.Qodirova, Jumanazarova G.T.O'zbekiston joy nomlarining etimologik lug'ati – Toponimlar tilsimi. –Toshkent: Nodirabegim, 2019. –Б.3–31.

3.Баъзи тадқиқотчилар фикрича²³, *қўнғирот* қадимий туркий сўз бўлиб, катта ўзбек қабилалардан бирининг номидир. У мўғулча *хун керей* (қора қарға) сўзига алоқадордир; *-ву хун + керей+т // хункейт // қўнғирот // қўнғирот* эволюциясини бошидан кечирган. Демак, *қўнғирот* асли этнонимлардан бири бўлиб, қарға маъносидаги *хун керей* сўзининг фонетик ўзгаришидан келиб чиққан.

4. Тарихчи олим Жалилов Омонбек Хусайинбек ўғлининг қайд этишича, Қўнғирот – турк-мўғул қabila-уруғ номи. Қўнғиротлар ўзбек, нўғой, қорақалпоқ ва мўғул халқларининг этник таркибига кирган. Қорақалпоқ қўнғиротлари катта этник гуруҳ бўлиб, улар *сегиз тамғали шуллуқ ва жети тамғали жовунғурдан* иборат иккига бўлинишган. Биринчисига қиёт, очомойли, кулдовли, қўштамғали, болғали, хондакли, қорамуон қабилалари кирган. Жовунғурга терстамғали, боқонли, тиёкли, эрғоқли, буймоқли, козоқёкли уйғурлардан иборат етти уруғ кирган²⁴.

Топоним то шу ҳолатга келгунча анча фонетик ва морфологик ўзгаришларга учраган. Сўз таркибидаги *-т // -ат* қўшимчаси кўпликни билдирган. Унинг ўзидан олдинги сўзга қўшилиши натижасида *қўнғирот* шаклидаги ономастик лексика бирлиги шаклланган: *қўнғир+ат > қўнғират > қўнғирот > Қўнғирот*. Бунда фонетик ўзгаришлар туфайли *-ат* форматидаги *а* унлиси *о* унлисига ўзгарган: *а > о*. Хуллас, *қўнғирот* сўзи оддий сўзликдан чиқиб, ономастик лексика сатҳига ўтиб, этноним номи, кейин топонимга айланган ва кўплик, жамлик, тўда маъноларини англатган.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми «Қўшма ойконимлардан баъзи бирларининг этимологик таҳлили» деб аталган. Ойконимлар тизимидаги бундай номларни ономастик-грамматик, хусусан, ойконимик нуқтаи назардан қўшма ойконимлар дейиш ўринли. Уларга мисоллар:

Нукус – шаҳар, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти, макроойконимлардан бири. *Нукус* топоасоси аслида уруғ номидан шаклланган. Шаҳар номи ҳам этноним номининг ойконимик объектга кўчишидан келиб чиққан. Қ.Абдимуратов *Нукус* сўзи эрон тилларига мансуб бўлиб, *нух* «тўққиз» - *кас* «киши» шаклида ясалганини айтади ва қорақалпоқларнинг тўққиз қиз баҳодири ҳақидаги афсонани келтиради²⁵.

Халқ вакиллари бу шаҳарнинг номини *Нух пайғамбар* ва унинг ўғиллари фаолиятига боғлашади. *Нух пайғамбар* ва унинг ўғиллари шу шаҳарнинг олдинги ўрнини шакллантиришган ва қуришган. Бу ҳолда ойконимнинг номланиши киши исмига бориб тақалади: *Нух пайғамбар номи > Нух+кас > Нухкас > Нукус*. Бунда *нух* сўзига *қўрғон* маъносидаги *кас > каш > кент* сингари фонетик ўзгаришларга учраган *кас* сўзи қўшилган ва фонетик ўзгаришлар таъсирида *Нукас* ясама сўзи талаффуз жараёнида *Нукус* ҳолатига

²³Қараев С.К. Топонимия Узбекистана с топонимическим словарем. –Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. –С. 355–356.

²⁴Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий. Тарихи Рашидий. –Тошкент:Ўзбекистон, 2011. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, тадбиқ, изоҳлар ва кўрсатмалар муаллифи тарих фанлари номзоди Жалилов Омонбек Хусайинбек ўғли. –Б.126а–611.

²⁵Абдимуратов К. О происхождения названия Нукус // «Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР Нукус, 1965. №1. –С. 93–94.

